



THE ROLE AND IMPORTANCE OF IDENTIFYING AND ELIMINATING THE CAUSES AND CONDITIONS OF CRIME IN THE PREVENTION OF CRIME

Dilshod Nadjimovich Fayziev

Master's student

Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Identifying and eliminating the causes and conditions of crime, combating crime, preventing crime.

Received: 15.06.24

Accepted: 17.06.24

Published: 19.06.24

Abstract: This article analyzes the role and importance of timely identification and elimination of the causes and conditions of crime as a criminal procedural measure in the prevention of general crime. The author justifies that secondary attention to the procedural action related to the elimination of the causes and conditions of crime becomes a factor that reduces the effectiveness of fighting against crime. It is also emphasized that the information on the cause and circumstances of the crime determined in the criminal proceedings should serve as the primary source of information necessary for the organization of crime prevention.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ДОИРАСИДА ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ВА ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЖИНОЯТ ПРОФИЛАКТИКАСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Дилшод Наджимович Файзиев

Магистратура талабаси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жиноят сабаблари ва шароитлари аниқлаш ҳамда бартараф этиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятчиликни олдини олиш.

Аннотация: Мазкур мақолада жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг жиноят-процессуал тадбир сифатида умумжиноятчилик профилактикасидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан жиноят сабаблари ва

шароитларини бартараф қилиш билан боғлиқ процессуал тадбирга иккаламчи эътибор қаратиш жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлигини пасайтирувчи омилга айланиши асослангандир. Шунингдек жиноят процессида аниқланган жиноят сабаби ва шароитларига доир маълумотлар ҳуқуқбузарлик профилактикасини ташкил қилиш учун зарур маълумотларнинг бирламчи манбаси сифатида хизмат қилиши лозимлигига урғу берилган.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ВЫЯВЛЕНИЯ И УСТРАНЕНИЯ ПРИЧИН И УСЛОВИЙ ПРЕСТУПНОСТИ В ПРОФИЛАКТИКЕ ПРЕСТУПНОСТИ

Дильшод Наджимович Файзиев

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Выявление и устранение причин и условий преступности, борьба с преступностью, предупреждение преступности.

Аннотация: В данной статье анализируется роль и значение своевременного выявления и устранения причин и условий преступления как уголовно-процессуальной меры в предупреждении общеуголовной преступности. Автор обосновывает, что вторичное внимание к процессуальному действию, связанному с устранением причин и условий преступления, становится фактором, снижающим эффективность борьбы с преступностью. Также подчеркивается, что сведения о причине и обстоятельствах преступления, устанавливаемые в ходе уголовного производства, должны служить основным источником информации, необходимой для организации профилактики преступлений.

КИРИШ

Инсоният цивилизацияси тарихида тараққиётга ғов бўлган асосий омил, ҳавфсизликка таҳдид солувчи асосий кучлардан ҳисобланмиш жиноятчилик ўзининг турли кўринишларда намоён бўлиб, жаҳон тараққийпарвар оммаси нигоҳи унга қарши курашишга, унинг илдизлари ва туб сабабларини йўққа чиқаришга қаратиб келинди.

Жиноятчилик туб илдизларини топиш, уларни бартарафнинг қилишнинг чораларни белгилашга инсоният ўзининг кўп ресурсларини сафарбар қилди.

Жиноятчилик ҳар бир жамият учун хос бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида қаралар экан, унинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон яратган шарт-шароитни аниқлаб, уларга тегишли муносабат билдириш мазкур жамиятнинг кейинги тараққиёти кафолати, қолаверса шу жамиятда кўзланган олий қадриятларга етишининг ягона йўли бўлиб ҳисобланади.

Шу сабабли, ҳар бир давлат ўзининг тарихий ривожланиш даврида жиноятчиликка қарши курашишни ва унинг олдини олиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчисининг ҳуқуққа ҳилоф хатти-ҳаракат содир қилишга мурасасиз бўлган онгни шаклланишига тўртки бўладиган, ўзини ҳуқуқбузарликдан тийиб туриш аҳволига солиб қўядиган умуммажбурий тавсифдаги ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиб, уларни изчиллик билан такомиллаштириб боради.

Тарихдан шунга гувоҳ бўламизки, ҳеч қандай маърифатли жамият жиноятчиликни олдини олишга қаратилган тизимини йўл қўймас экан, самарали ҳаёт кечири олмайди.

Жамиятнинг декриминаллашувига эса фақат шу жамиятда яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларнинг, унинг ҳар бир аъзосининг ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган биргаликда ҳаёт кечириши орқалигина эришиш мумкин.

Албатта жиноятчиликка қараш курашишнинг таркибий қисми сифатида уни олдини олиш масаласи аҳамияти жаҳатидан тенг мавқеига эга бўлиб, бу масалага жиддий ёндашиш ўз самарасини бермай қолмайди.

Чунки, келиб чиқиши ва содир этилиши оқибатлари масаласида тўғри “ташҳис” қўйилган ҳар бир жиноий ҳодисанинг қайта такрорланмаслиги бу “ташҳис” пухта ўйлангани ва қўлланилган чора-тадбирлар ўз натижасини берганлигидан дарак беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Йигирма биринчи асрга келиб, жиноятчилик салбий ижтимоий ҳодиса сифатида нафақат такомиллашди, балки унинг айрим кўринишлари зарур тайёргарлик босқичларини бошдан кечириб, профессионал даражада содир этиладиган бўлди, ҳаттоки, ижтимоий тармоқларда, масалан, ўғрилиқ жиноятини содир этилиши усуллари ва методларига оид “ҳалқаро симпозиумлар” ўтказилиши ҳеч кимга сир бўлмайдиган ҳолат бўлиб қолди. Ҳукумат билан ҳамкорликда иш олиб борадиган мафия сингари жиноий уюшмаларнинг фаолияти ташкил этилмоқда.

Жиноятчиликни олдини олишда жиноят процессида унинг сабаблари ва шарт-шароитини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш институти ўзининг кўлами, манзиллилиги ва самарадорлиги жиҳатидан жиноятчилик профилактикасига бошқа

кўринишларига нисбатан анча самарали ва натижадор бўлиб, унинг бу жиҳатларининг афзаллиги куйидагиларда кўринади:

Биринчидан, одатда жиноятчиликни олдини олиш масалалари ваколатли органларнинг жиноятчилик профилактикасига масъул хизматлар томонидан уларда мавжуд ҳужжатларни ва улар асосидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида ўрганилади, лекин муайян йўналишда жиноят ишларини тергов қилган, суриштирув ва дастлабки терговда жиноят сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаган, уларни бартараф қилиш усуллари ишлаб чиққан тергов орган ходимларини бундай таҳлилий фаолиятга жалб қилиш ишларига суст ёндашилмоқда.

Жиноят процессида жиноий таъқиб амалга оширилиб, бунга уни юритишга масъул процессуал шахслар қонунда кўзда тутилган муайян ваколатлар билан қуролланган экан, аниқ жиноят бўйича жиноий судлов иш юритувини амалга ошириш билан боғлиқ процессуал тадбирлар воситаларини қўллаб, уларнинг натижасига кўра жиноят сабаблари ва унинг шарт-шароитлари тўғрисида энг ишонарли ва энг зарур бўлган маълумотларни тўплай олади.

Бундай процессуал манбалар нафақат ўзининг ишончилиги, балки тегишли тартибида расмийлаштирилганлиги билан маромига етказилган ҳуқуқий ҳужжат шаклига эга бўлади.

Иккинчидан, жиноят иши бўйича жиноий таъқиб амалга оширилар экан, жиноят содир этилишида айбдор бўлган шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар билан параллел равишда жиноятнинг сабаблари ва унинг шарт-шароитларини топишга қаратилган фаолият процессуал жиҳатдан самарали бўлиб ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси жиноий судлов иш юритувга масъул бўлган мансабдор шахслар олдида у ёки бу жиноят содир бўлгани, унда шахснинг айбдор-айбдор эмаслиги билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш вазифасини қўяр экан, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритишга масъул бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд юқоридаги процессуал ҳаракатларни ўтказиш жараёнида жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар билан бевосита тўқнаш келади.

Бу ўринда, таъкидлаш жоизки, жиноят ишини юритишга масъул бўлган орган мансабдор шахси жиноят ишини бўйича ўтказиладиган суриштирув, тергов ва ишни судда кўриш чоғида жиноятни келтириб чиқарган сабаб ва унинг содир этилишига имкон берган шароит билан тўқнашар экан, криминоген омиллар шунга ўхшаш бошқа жиноятлар

рецидивига сабаб бўлиши мумкинлиги ёки давомли жиноятга чек қўйиш нуқтаи назаридан бундай омилларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрдириш бўйича мажбурият уларнинг зиммасида бўлиши, уни лозим даражада бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Учинчидан, жиноятчилик профилактикасига доир амалга оширилаётган бошқа тадбирлардан кўра, аниқ жиноят иши доирасида процессуал функцияларини бажараётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьядан бошқа ҳеч ким жиноят сабаблари ва шароитларини аниқ кўра олмайди, улар билан бевосита ишлай олмайди.

Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, жиноятчиликни олдини олиш ҳақида гапирилар экан, унинг содир этилиши сабаб бўлган эгри шарт-шароитдан кўра, жиноят ишини юритишга масъул бўлган процессуал мансабдор шахслар томонидан аниқланган, ҳар бир жиноятнинг тўғридан тўғри сабаби билан ишлай олиш ўхшаш жиноятларнинг рецидивини олдини олишга маҳсулдор хизмат қилади.

Чунки, жиноят-процессуал қонунчилик терговчига жиноят ишини тергов қилиш билан бирга жиноят келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уни бартараф қилиш чораларини кўриш вазифасини юклайди.

Тўртинчидан, жиноятларни тергов қилиш ҳамда жиноят сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш мазмун жиҳатидан бир-бирига боғлиқ, керак бўлса, бир-бирини тўлдирувчи процессуал фаолиятнинг бир-бирига боғлиқ йўналишлари бўлиб, бирининг самарадорлигига иккинчисига бевосита боғлиқдир.

Чунки, жиноят фош қилиниб, айбдорларга жавобгарликнинг ва жазонинг муқаррарлиги таъминлангандан сўнггина тергов қилинган жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқланди деган хулосага келиш мумкин.

Аксинча, фош қилинмаган жиноятлар бўйича жиноят сабаблари ва шарт-шароитлари тўғрисида мулоҳаза қилиш бир мунча эртароқ ҳисобланади.

Бунда фош қилинмаган жиноятлар бўйича уни содир қилган шахсга боғлиқ бўлмаган объектив сабаб ва шароит истисно бўлиб ҳисобланади.

Бешинчидан, жиноят таркибининг бир элементини аниқлагани муносабати билан қўзғатилган жиноят иши доирасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноят-процессуал қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда жиноят содир этилганлиги фактини тасдиқлаш ва бунга алоқдор шахснинг айбини исботлаш мақсадида жиноят таркибининг қолган элементларини топиш, хусусан, жиноят объектив томонининг содир бўлган жиноий қилмиш ва келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланишни аниқлашга қаратилган процессуал мажбурият суриштирув, тергов ва суд олдига қўйилган

жиноят сабаблари ва шароитларини чуқур таҳлил қилиш вазифасига янада масъулият ва синчковлик билан ёндашишни тақозо қилади.

Шу боис, юз берган жиноий ҳодиса юзасидан терговга қадар текширув, дастлабки тергов, суд муҳокамаси ўтказилар экан, исботлаш субъектлари томонидан Жиноят-процессуал кодекснинг 22-моддасида кўзда тутилган ҳақиқатни аниқлаш билан боғлиқ процессуал функциясини бажариш билан бир вақтда жиноят сабаби ва шароитини аниқлаш билан боғлиқ вазифасини адо этишга дуч келиши муқаррар жараён бўлиб ҳисобланади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талабидан келиб чиқиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан жиноий ҳодиса ҳар томонлама, тўлақонли ва объектив равишда текширилиб, ҳақиқат аниқлангандан сўнггина жиноят сабаблари ва шароитлари аниқланди дейишимизга тўла асослар вужудга келади.

Бунинг мантикий давоми сифатида, жиноятга оид ҳодиса ёки хабар тўлақонли аниқлангандан сўнггина жиноят сабаблари ва шароитлари тўғрисида фикр-мулоҳаза юритишга ҳақли бўламиз.

Аксинча, жиноят иши бир томонлама тергов қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддаси тартибда текширилмаган далилларга асосланган ҳолда қарор қабул қилинар экан, жиноий ҳодисанинг том маънодаги кўриниши аниқланмайди, балки бир-бирини тасдиқламайдиган фактлар асосида фикр юритилиб, натижада жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шароитлари ҳам ишончсиз далилларга асосланган ҳолда юзаки тавсифга эга бўлиб қолади.

Еттинчидан, айнан жиноий ҳодиса содир бўлганлиги тўғрисидаги терговга қадар текширув ҳамда натижаси реабилитация асосларисиз тамомланган жиноят иши ҳужжатларидаги терговга қадар текширув олиб боришга ваколатли орган мансабдор шахси, суриштирув, тергов органлари ҳамда суднинг содир бўлган жиноят сабаблари ва шароитлари тўғрисидаги хулосалари ва уларни бартараф этиш бўйича талаблари ёки тавсиялари Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни кўзда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-

тадбирларини шакллантириш, йўналтириш ҳамда манзилли қўллаш учун бирламчи манба сифатида хизмат қилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Танлов асосида ўрганилган жиноят ишлари шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг 35 фоизи бўйича жиноий таъқибни амалга оширувчи ваколатли органлар томонидан жиноят сабаблари ва унбу имкон берган шароитни бартараф этиш ҳақидаги тақдимномада криминоген омилларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар қўйилган, 3,5 фоизи бўйича эса шундай чораларни ишлаб чиқиб, қўллаш масаласи бунга ваколатли идорага ҳавола қилинган.

Юқоридаги кўрсатилган ҳолатлар жиноят-процессуал механизм доирасида жиноят сабаблари ва унинг шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш институтининг жиноятчиликни олдини олиш соҳасида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга ҳамда таъбир жоиз бўлса, локоматив тармоғи деб фикр юритиш учун тўла ҳуқуқ беради.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасига таъриф берилиб, унга кўра, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими ҳуқуқбузарликлар профилактикасига деб аталади.

Бироқ, ушбу тушунча доирасида фикрлайдиган бўлсак, мазкур таъриф билан жиноят процесси доирасида амалга ошириладиган жиноятчиликни олдини олиш билан боғлиқ процессуал фаолият қамраб олинмайди.

Шу нуқтаи назардан, жиноят-процессуал механизм доирасида амалга ошириладиган жиноят сабаблари ва унинг шарт-шароитларини аниқлаш ва ҳамда бартараф этиш масалалари жиноятчиликнинг умумпрофилактикаси миқёсида гўёки эътибордан четда қолгандек кўринади.

Бироқ, юқорида таъкидланганидек, жиноятчиликка қарши курашишни самарали ва манзилли ташкил қилиш учун унинг туб илдизлари деб саналадиган сабаб ва шарт-шароит аниқланиб, бартараф этиш керак деган хулосага келар эканмиз, бу илдизлар айнан жиноят процессида амалга ошириладиган процессуал тадбирларнинг натижаси сифатида аниқланади дейишга тўла асослимиз.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон қуриш” концепцияси доирасида ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларига тааллуқли ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда уларнинг замирида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш масаласи Президент сиёсати даражасига кўтарилгани бежизга эмас.

Чунки, айнан жиноятчиликнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки уни олдини олишга алоҳида урғу бериш Юртбошимиз бошчилигида жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг таъмал тошига айланди.

Жиноятчиликка қарши курашишда жиноят сабаблари ва унинг шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф қилиш процессуал қонунчиликда тушунчаси ҳамда тартиби очиб берилмаганлиги, назарияда ва амалиётда бу борадаги турли ёндашувлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис, жиноят сабаблари ва унинг шарт-шароитларининг айнан процессуал жиҳатларини тадқиқ қилиш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимининг самарадор йўллари излаш, уларни амалиётда қўллашнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш жиноят иш юритувида масъул бўлган ва процессуал жиҳатдан ваколатли мансабдор шахсларга нафақат муайян мажбурият юклайди, балки уларнинг бу борадаги фаолиятини тўғри ташкил қилишига кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дворецкий М.Ю. Причины и условия преступности// Гуманитарные науки. Гражданское общество и государство. Вестник ТГУ. – 2014. – выпуск 12 (140). – 1-7 бетлар. <https://cyberleninka.ru/article/n/prichiny-i-usloviya-prestupnosti>
2. Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят ишлари;